

“Hududgazta’minot” aksiyadorlik jamiyati
ягона акциядорининг
2023 йил “6” декабр даги
8 -сон қарорига
ИЛОВА

**“ХУДУДГАЗТАЪМИНОТ”
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ТОМОНИДАН
ҲОМИЙЛИК ВА БЕҒАРАЗ ЁРДАМ
КЎРСАТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА
НИЗОМ**

Тошкент 2023 йил

Мундарижа

1. Умумий қоидалар.
2. Ҳомийлик мақсадлари.
3. Ҳомийлик ва беғараз ёрдам учун аризаларни бериш ва кўриб чиқиш тартиби
4. Ҳомийлик ва беғараз ёрдам молиялаштириш
5. Яқуний қоидалар.

I. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Ҳомийлик тўғрисида”ги, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сон “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислохотлар тўғрисида”ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги 166-сон “2021 – 2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислох қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ҳамда “Худудгазтаъминот” АЖ (*кейинги ўринларда – Жамият*) Уставига мувофиқ равишда ишлаб чиқилган бўлиб, у Жамият томонидан ҳомийлик ва беғараз ёрдам учун маблағларни ажратиш тартиби ва тамойилларини белгилайди.

1.2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

- **ҳомийлар** – ҳомийликни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар;
- **ҳомийлик (ҳомийлик фаолияти)** – юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик мақсадларида бошқа юридик ва жисмоний шахсларга мол-мулкни, шу жумладан пул маблағларини қайтармаслик шarti билан ёки имтиёзли шартларда беришда, улар учун ишлар бажаришда, уларга хизматлар кўрсатиш ва уларни бошқача шаклда қўллаб-қувватлашда ифодаланадиган ихтиёрий беғараз ёрдами (фаолияти);
- **ҳомийлик олувчилар** – ҳомийлик олувчи юридик ва жисмоний шахслар;
- **ҳомийлик субъектлари** – ҳомийлар, кўнгиллилар, ҳомийлик ташкилотлари, шунингдек ҳомийлик олувчилар;
- **ҳомийлик ташкилоти** – жамиятнинг, айрим тоифадаги юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб ҳомийлик фаолиятини амалга ошириш учун тузилган нодавлат нотижорат ташкилоти;
- **ҳомийлик хайриялари** – ҳомийлик мақсадларига йўналтириладиган мол-мулк, шу жумладан пул маблағлари.
- **ваколатли орган** – ҳомийлик ва беғараз ёрдам кўрсатиш бўйича Жамият акциядорлар умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва ижроия органи.

II. Ҳомийлик мақсадлари

2.1. Ҳомийлик ёрдами қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:

- фуқароларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш, шу жумладан аҳолининг ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилинмаган ва кам таъминланган тоифаларини моддий аҳолини яхшилаш, ўз жисмоний ёки интеллектуал хусусиятлари, бошқа ҳолатлар сабабли мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга ошира олмайдиган ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қила олмайдиган ишсизларни, ногиронлиги бўлган шахсларни ва бошқа шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш;
- халқлар ўртасида тинчлик, дўстлик ва тотувликни мустаҳкамлашга кўмаклашиш;

- оиланинг жамиятдаги нуфузи ва ролини мустаҳкамлашга кўмаклашиш;
- оналик, болалик ва оталикни ҳимоя қилишга кўмаклашиш;
- таълим, фан, маданият, санъат, маърифат соҳасидаги фаолиятга, шунингдек шахснинг маънавий камол топишига кўмаклашиш;
- касалликлар профилактикаси ва фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасидаги фаолиятга, шунингдек соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга кўмаклашиш, фуқароларга маънавий-руҳий ёрдам кўрсатиш;
- жисмоний тарбия ва оммавий спорт соҳасидаги фаолиятга кўмаклашиш;
- аҳолини табиий офатлар, экология, саноат ҳалокатлари ёки бошқа ҳалокатлар оқибатларини бартараф этишга, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга тайёрлаш;
- террорчилик ҳаракатлари, табиий офатлар, экология, саноат ҳалокатлари ёки бошқа ҳалокатлар натижасида жабрланганларга ёрдам кўрсатиш;
- атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш;
- маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш.

2.2. Қонунчиликка мувофиқ ҳомийлик бошқа мақсадларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

2.3. Тижорат ташкилотларига, сиёсий партияларга ва ҳаракатларга пул маблағлари ҳамда бошқа моддий маблағлар бериш, ўзга шаклда ёрдам кўрсатиш, шунингдек уларни қўллаб-қувватлаш ҳомийлик ҳисобланмайди.

2.4. Сайловолди ташвиқоти ва референдумга қўйилган масалалар бўйича ташвиқот мақсадида ҳомийлик қилиш тақиқланади.

2.5. Жамият хайрия (ҳомийлик) ёрдамини кўйидаги шаклларда амалга оширади:

- мол-мулкни (мебель анжомлари, китоблар, кийим-кечак, канцелярия моллари, дори-дармонлар, ускуналар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа жиҳозлар) ёки пул маблағларини бериш ёки мулкчилик асосида (бепул ёки имтиёзли шартларда) харид қилиш;
- холис ёрдам (бепул ёки имтиёзли шартларда) шаклида мулкчилик ҳуқуқи объектларига эгалик, фойдаланиш ва тасарруф қилиш ҳуқуқини бериш;
- холис ёрдам (бепул ёки имтиёзли шартларда) шаклида ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш.

2.6. Жамият кўрсатилган ҳомийлик ёрданидан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш ҳуқуқига эга.

III. Ҳомийлик ва беғараз ёрдам учун аризаларни бериш ва кўриб чиқиш тартиби

3.1. Ҳомийлик ва беғараз ёрданини кўрсатиш бўйича жисмоний ва юридик шахслар томонидан келиб тушадиган аризалар Жамият бошқарув раисининг номига жўнатилади. Аризада ҳомийлик ва беғараз ёрданини асословчи маълумотлар

(сабаблар, мақсадлар ва ҳоказо) тасдиқловчи ҳужжатлар билан бирга келтирилиши лозим.

3.2. Юридик шахслардан келиб тушадиган аризалар ваколатли шахс имзоси ва ташкилот муҳри мавжуд бўлганда кўриб чиқилади.

3.3. Жисмоний шахслардан келиб тушадиган аризалар уларда мурожаат килувчининг фамилияси, исми, отасининг исми (тўлиқ), паспорт маълумотлари, яшаш жойининг манзили, СТИР рақами, сўралаётган ҳомийлик суммаси кўрсатилиши шарти билан кўриб чиқилади.

3.4. Келиб тушган аризалар Жамият Бошқаруви томонидан рўйхатдан ўтказилади.

3.5. Рўйхатга олинганидан сўнг, олинган аризалар Жамият Бошқаруви раиси ёки тегишлилиги бўйича унинг ўринбосарларига кўриб чиқиш учун такдим этилади.

3.6. Ҳомийлик ва беғараз ёрдамани кўриб чиқиш миқдори Жамият Бошқарув ваколатига кирадиган бўлса, Бошқарув раиси келиб тушган аризаларни белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун бошқарув йиғилиши чақиради.

3.7. Агар ҳомийлик ва/ёки беғараз ёрдамани кўриб чиқиш миқдори Жамият Бошқарув ваколатига кирмаса, бу ҳолда Жамият томонидан ҳомийлик ва/ёки беғараз ёрдами кўрсатиш тўғрисидаги ариза барча ҳужжатлар билан кузатув кенгашига ёки акциядорлар умумий йиғилишига кўриб чиқиш ва тегишли қарор қабул қилиш учун юборилади.

3.8. Ҳомийлик ва беғараз ёрдамани кўрсатишга розилик билдириш ёки аризани рад этиш тўғрисидаги қарор Жамият Бошқарув органи, кузатув кенгаши ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

3.9. Кўриб чиқиш натижалари бўйича тегишли бошқарув органлари томонидан қарор қабул қилинади.

IV. Ҳомийлик ва беғараз ёрдам молиялаштириш

4.1. Ҳомийлик ва беғараз ёрдам кўрсатиш унинг миқдорига қараб ҳомийлик ва беғараз ёрдам масалаларини кўриб чиқиш ваколатли орган томонидан кўриб чиқилади.

4.2. Бундай ҳолда ваколат:

- Жамият Бошқаруви ҳомийлик ва беғараз ёрдам кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилишни ўз ичига олади, ҳомийлик миқдори битта мурожаат бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 500 (беш юз) баробаридан ошмаслиги керак;

- Жамият кузатув кенгаши ҳомийлик ва беғараз ёрдам кўрсатиш тўғрисида қарор ҳомийлик миқдори битта мурожаат бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 500 (беш юз)дан 15 000 (ўн беш минг)гача;

- Жамиятнинг ягона акциядори ҳомийлик ва беғараз ёрдам кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилишни ўз ичига олади, унинг миқдори битта мурожаат бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 000 (ўн беш минг) бараваридан юқорисини ташкил этади.

4.3. Жамиятнинг ҳомийликка сарфланадиган ҳар йилги харажатлари ўтган йилда олинган соф фойданинг 3 фоизидан ошмаслиги керак ва ўтган ҳисобот йили учун соф фойда бўйича бизнес-режа кўрсаткичларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилади, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати қарорларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

4.4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати қарорларида назарда тутилган ҳолларда ҳомийликка сарфланадиган ҳар йилги харажатлари ўтган йилда олинган соф фойданинг 10 фоизидан ошмаслиги керак ҳамда бу харажатлар улар бизнес-режасининг ўтган ҳисобот давридаги соф фойдага тааллуқли қисми кўрсаткичлари бажарилганда амалга оширилади.

4.5. Жамият томонидан кўрсатилган ҳомийлик ёрдамидан мақсадсиз фойдаланиш аниқланганда Жамият томонидан кўрсатилган ҳомийлик ёрдами бекор қилинади.

V. Яқуний қоидалар

5.1. Ушбу Низом, ҳамда унга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар Жамият акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан тасдиқланади.

5.2. Ушбу Низом, ҳамда унга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар Жамият корпоратив сайтида эълон қилинади.

5.3. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор шахслар, қонунчиликда ўрнатилган тартибда жавобгар бўладилар.